

## Сийрат дарслари (145-дарс). Аёл кишига тўрт нарсаси учун никоҳланилади



17:00 / 16.07.2021 6243

539. Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: **«Аёл тўрт нарса учун никоҳланади: моли учун, насаби учун, жамоли учун ва дини учун. Сен диндорини танлагин, қўлинг тупроққа қорилгур»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

540. Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: **«Ҳузурингизга динидан ва хулқидан ўзингиз рози бўлган киши совчилик қилиб келса, унга (сўраганини) никоҳлаб беринг. Агар шундай қилмасангиз, ер юзида**

**фитна ва улкан фасод бўлур», дедилар».**

*Термизий, Ибн Можа ва Ҳоким ривоят қилишган.*

541. Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«(Отам) Абдуллоҳ вафот этиб, тўққиз ёки етти қиз қолдирди. Жувон аёлга уйландим. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менга: **«Эй Жобир, уйландингми?»** дедилар. «Ҳа», дедим. **«Бокирагами ёки жувонга?»** дедилар. «Жувонга, Эй Аллоҳнинг Расули», дедим. **«Бокирага уйланганинда, сен у билан ўйнашар эдинг, у сен билан ўйнашар эди, - ёки «У билан кулишардинг, у сен билан кулишарди», -** дедилар. «Абдуллоҳ вафот этиб, тўққиз ёки етти қиз қолдирди. Уларга тенгларини олиб келишни истамадим. Уларга қарайдиган, одоб берадиган аёл келтиришни истадим», дедим. **«Аллоҳ сенга барака берсин!»** дедилар. Ёки менга яхши гап айтдилар».

*Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.*

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан**